



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. 10

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2005 йил, 17 март, пайшанба № 33 (2077).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Четверг, 17 марта, 2005 год, № 33 (2077).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

В розницу — цена свободная

ПРЕЗИДЕНТ СЛОВЕНИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 15 март куни расмий ташриф билан Словения Республикасига жўнаб кетди.

— Словения Европадаги иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, — деди давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида. — Словения иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб бормоқда. 2004 йил мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 28 миллиард АҚШ долларига етган.

Ислон Каримов Ўзбекистон Европа давлатлари, хусусан, Словения билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Словения яқинда НАТОга қабул

қилинди, Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. У иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан кенроқ фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Словения билан фан-таълим, тўқимачилик, фармацевтика, пахтани қайта ишлаш, электроника каби соҳаларда ҳамкорликни самарали йўлга қўйиши мумкин. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ҳам имкониятлар етарли.

Ташриф чоғида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган.

(ЎЗА).

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

ЛЮБЛЯНА, 16 март. /ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОВ хабар қилади/. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи олий мартабали меҳмонни «Брдо» қасрида расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Бу ерда икки давлат байроқлари кўтарилиб, давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон ва Словения Президентлари Ислон Каримов ва Янез Дрновшекнинг яккама-якка суҳбатида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, сайёҳлик, бизнес вакилларининг мулоқотини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш, сармоя соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш борасида фикр алмашиб, мавжуд имкониятларни таҳлил этдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Словения ҳукуматлари ўртасида автомобилда йўловчи ва юкларни халқаро ташиш тўғрисида, икки мамлакат савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словениянинг Новолубяна банки ўртасида

ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президент Ислон Каримовнинг Словения пойтахти Любляна шаҳри маъмурияти раҳбари Даниц Симшич хоним билан учрашувида тadbиркорлик ва сайёҳлик соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ислон Каримов Любляна шаҳри фахрий меҳмонларининг Олтин китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислон Каримов «Брдо» қасрида Словения Миллий кенгаши раиси Янез Сушникни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқилди.

Шу кун Словения Савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Словения тadbиркорлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Тadbир якунида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Словениянинг «Рене тур» сайёҳлик агентлигининг ҳамкорлиги тўғрисида битим ҳамда «Ўзбек-инвест» экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси ва Словениянинг экспорт корпорацияси ўртасида факультатив қайта сўғурталаш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Словенияга расмий ташрифи давом этмоқда.


Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



ЮКСАЛИБ БОРАЖАК ОРЗУЛАРИМИЗ

Бугун бу эътирофни ҳеч муболағасиз айтиш мумкин. Ислохотларимиз замирида сержантларга юксак эътибор қаратилаётгани сир эмас. Армиямиз суянчи ва таянчи дея эътироф этилаётган бу бўғинни профессионал даражада тайёрлашдек устувор вазифага бундан бир неча йил олдин пойдевор қуйилган. Сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солинишини назарда тутяпман. Очиғи ўша пайтда бу англикка киноя билан қараганлар ҳам бўлди. Бугун замонавий моддий-ўқув базага эга, ҳеч қайси ривожланган мамлакатдаги шундайин ўқув масканидан қолишмайди-ган, йил сайин янги мазмун, янги қиёфа кашф этиб бораётган мактабларимиз кўпчилигининг ҳавасини келтиряпти. Келинг, яхши-си ана шундай ўқув даргоҳларимиздан бири — Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабининг моддий-ўқув базаси мисолида фикримизни давом эттирайлик.


Маълумки, Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган



байрам табригида ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва хизмат шароитларига эътибордан сўз очган. Ана шу устувор эътибор, ғамхўрликни номи зикр этилаётган сержантлар тайёрлаш мактабида янада яққол ҳис этасиз. Компьютер синфини олайлик. Катта лейтенант Дмитрий Хван бу ерда бўлғуси професс-

оналарга «ақлли» машинанинг сир-асрорларини ўргатади. Курсантлар компьютер орқали ўз соҳасига тегишли вазифаларни бажаришади. Кимдир харита билан ишлайди, кимдир топография илмини ўзлаштиради, яна кимдир интернет орқали керакли маълумотларни олади.

(Давоми 2-бетда).



НАВСТРЕЧУ КОНТРОЛЬНОЙ ПРОВЕРКЕ

Экипаж танка, где командиром рядовой Джумабай Раджабов, с большими показателями в боевой и общественно-политической подготовке встречает приближающийся весенний праздник обновления — Навруз.

— Не за горами контрольные занятия за зимний период обучения, — говорит наводчик танка рядовой Абдурасул Мамаюсов. — Но наш экипаж во главе с командиром танка уверен в том, что по всем основным воинским дисциплинам получит только высокие оценки. Для этого мы приложим максимум усилий, проявим твердую волю в достижении намеченной цели.

Наш корр.

Фото подполковника Ярослава КОРУКИ.

19 марта —
Всеармейский хашар

ПО ДОБРОЙ ТРАДИЦИИ

Скоро воины Вооруженных Сил нашей республики вместе со всем создающим народом Узбекистана встретят радостный весенний праздник Навруз. По доброй традиции накануне состоится Всенародный хашар, в котором они примут самое деятельное участие. Об этом с мест нам сообщают наши военкоры.

Старший лейтенант Фарух ДОСУМХОДЖАЕВ (ЮЗО-ВО):

— С отличным настроением придут на праздничный хашар воины подразделения, где командиром майор Шокир Дусчанов. В этот день солдаты, военнослужащие по контракту, офицеры и служащие дружно возьмутся за работу по благоустройству расположения подразделения и военного городка.

Благодаря творчески продуманному плану каждый получит четкую задачу.

(Окончание на 2-й стр.).

ЮКСАЛИБ БОРАЖАК ОРЗУЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида бошқа шундай ўқув масканларига намуна бўладиган тарғибот маркази бор. Ундан турли адабиётларни, кўргазмаларни воситаларни топиш мумкин. Маънавият ва маърифат хонаси ҳам тўла замон талабларига жавоб беради. Унда видеопушка орқали турли ўқув фильмларини томоша қилиш мумкин.


Бу масканда жисмоний тарбия ва спортга ҳам эътибор юксак. Замонавий спорт тренажёрларида етакчи инструкторлар бошчилигида машғулотлар ўтилади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Неъмат Қодиров, Жасур Рашидов, Ҳаёт Воҳидовлар ана шундай мураббий-инструкторлардан. Оёқ, қўл, елка, умуртқа поғоналари ҳаракатларига мўлжалланган тренажёрлардан посбонлар мунтазам фойдаланишапти.

Эътиборимни тортгани мазкур ўқув масканидаги ётоқхоналар бўлди. Бир йил муқаддам Германияга қилган хизмат сафаримизда Бундесверга қарашли меҳмонхоналардан бирига жойлашдик. Шинам, файзлигина хоналар экан. Аммо, барча қулайликлар муҳайё, деб бўлмади. Ҳар бир нарсага қиёслаганда баҳо бериш мумкин. Мана, қиёслаганга имкон туғилди. Ҳа, ҳа ри-

вожланган бу мамлакатда яратилган шароитлардан тилга олинмаётган мактабимиздаги шароитлар қолишмасди. Ҳатто, айрим жиҳатларда устунлиги ҳам бор. Очиғи, ўшанда ўзимизга ажратилган корпусда маиший хизмат хонасини топмадик. Бизда эса, яъни сержантлар тайёрлаш мактабида маиший хизматлар учун мўлжалланган алоҳида хона бор. Унда замонавий кир ювиш воситаларидан тортиб, дазмолгача мавжуд. Сержантларимиз учун мўлжалланган ётоқхона – меҳмонхонада мазкур ўқув масканининг масъулларидан бири – подполковник Неъмат Маъруфов билан суҳбатлашиб қолдик.

– Хорижий мамлакатлардан тажриба алмашиш учун келадиган ҳарбийларни шу меҳмонхонамизга жойлаштирамиз. Улар яратилган шарт-шароитлардан хурсанд. Айниқса, маиший хизмат кўрсатиш хонамиз, дам олиш хонаси уларга маъқул. Масалан, дам олиш хонасини олайлик. Ўзингиз кўриб, гувоҳи бўлингиз. Юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Телевизор, мусиқий марказ бор. Параболик антенна ёрдамида исталган кўрсатувни кўриш имкони мавжуд. Очиғи, ўзаро суҳбатларимизда тан олиб айтишди: сержантларимизга яратилаётган шароитлар, моддий-ўқув база зўрлигини, – дейди жумладан у.


Қаршидаги сержантлар тайёрлаш мактабининг таърифини ҳам кўпчилигимиз яхши биламиз. Ёнидан ўтган ҳар бир одам «муштақиллигимиз сабабли бунёд бўлган, обод бўлган бу чиройли



бинога қаранг», дея ҳаваси келиши табиий. Бу ўринда ҳеч қанақа муболага йўқ. Мана, гапни АҚШ, Чехия каби давлатларнинг худди шундай ўқув даргоҳларида сафарда бўлиб қайтган шартнома бўйича хизмат кичик сержант Отабек Рашидовдан эшиттинг:

– Ривожланган мамлакатлар сержант йўриқчилари тез-тез мактабимизга келишади. Улар-

нинг фикрларини, мулоҳазаларини эшитамиз. Ўзим хорижда бўлганимда худди шундай мактабларнинг моддий-ўқув базаси, ўқув тарбиявий жараёни билан атрофлича танишдим. Очиғи,



биздаги шароитлар ҳам уларникидан қолишмайди. Ҳатто, баъзи услубий жиҳатлардан устунлигимиз ҳам бор.

Ушбу ўқув масканида тиббиёт пункти, ошхона ҳам кўздан кечирдик. Масалан, тиббиёт пунктини оладиган бўлсак, ойнаванд бу бино узоқданоқ эътиборни тортади. Ҳатто замонавий услубда қурилатган банкларимиз биноларини эслатади. Хўш, ичка-

рисидаги шароитлар-чи? Бундан ҳам кўнглингиз тўқ бўлсин. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар, шинам хоналар кичикроқ операцияларни, айрим муолажаларни госпиталга бормасдан шу ерда амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Таъмирдан сўнгги ошхона мўъжаз ресторани эслатади. Яна хаёлимга Германияга қилинган сафар келди. Хаёлан солиштираман, қиёслаймман. «Қолишмайди, шинамлиги, шароитлари бизда ҳам чакки эмас. Қурилишидаги, таъмиридаги шарқона ўзига хосликлари эса янада гўзал кўрсатаркан», дейман ўзимга-ўзим.

Шуларни хаёлимдан ўтказар эканман, бир нарса руҳимни янада кўтарди. Ахир, биз истиқлолнинг эндигина ўн тўртинчи йилда турган бўлсак. Ўтиш босқичи машаққатлари ҳали узил-кесил ортда қолмаган бўлса. Қиёслаётган мамлакатларимиз эса тараққиётга, шу даражага етгунча бир қанча доволарни босиб ўтган. Ҳа, ана шу ҳақиқат ҳам бизнинг истиқбол сари далил одимлаётганимизни, ўз йўлимиз, ўз тараққиёт йўлимиздан бораётганимизни кўрсатади.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» муҳбири.

ПО ДОБРОЙ ТРАДИЦИИ

(Оқончаник).

Начало на 1-й стр.)

Все производимые работы на объектах будут в необходимой мере материально-технически обеспечены. В частности, будет проведена уборка в парке боевой техники, войнеремонтники дополнительно отремонтируют автомобильную технику.

В военном городке подчиненные рядового И. Бердиева проведут очистку арыков, посадят деревья. Немало труда будет вложено и в благоустройство спального помещения, учебных классов, спортивного городка. Следует отметить, что все настроены работать с огоньком. Здесь и кроется главный генерирующий импульс.

Старший лейтенант Гайрат ИСАЕВ (ЦВО):

– Перед праздником весны и обновления в нашем подразделении пройдет хашар, в ходе которого все проявят максимум энтузиазма в наведении порядка на территории подразделения, примут участие в посадке саженцев фруктовых деревьев, различных видов кустарников. А подчиненным командира секции рядового Б. Тошева поручена требующая особой аккуратности работа по ремонту столов и стульев.

При ремонте подсобных помещений свое столярное и слесарное мастерство продемонстрируют рядовые К. Исметдинов, Б. Иномов и Б. Джураев – настоящие мастера своего дела.

Майор Азамат МАМАТКУЛОВ (ШПС ТВО):

– Командный и преподавательский состав, военнослужащие по контракту, служащие и слушатели Школы подготовки сержантов Ташкентского военного округа тщательно готовятся, чтобы достойно встретиться Навруз. Так, в день хашара мы придем к аксакалам; навестим подшефные детские учреждения, чтобы помочь им привести в порядок и отремонтировать карусели, качели, песочницы в детском городке. С задачей мы справимся, потому что среди нас много трудолюбивых и по-настоящему ответственных военнослужащих.

Записал старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

ЁШЛИКДА ПОСБОНЛАРГА ҲАВАС ҚИЛИБ

Болалигимдан ҳарбий кийимда, қаддини фоз тутиб шахдам қадам ташлаб юрган ҳарбийларни кўрсам ҳавас билан боқардим ва «Мен ҳам шуларга ўхшасам» деб орзу қилардим. Ёшим улғайган сари бу орзум қатъий қарорга айланди. Шунинг учун вақти келиб тенгдошларим қатори менга ҳам муддатли ҳарбий хизматга қақирув қоғози келганида қувончининг чеки йўқ эди. Ҳаяжон ва катта мақсадлар билан туман мудофаа ишлари бўлимига бордим.

Суҳбат ва тиббий кўрикдан ўтгач, ниҳоят орзум ушалиб, мени ҳарбий хизматга оладиган бўлишди. Бундан хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Тўғри-да, ҳозир муддатли ҳарбий хизматга ҳаммани ҳам қабул қилаверишмайди. Бунинг учун бир қатор талабларга жавоб бериш керак. Яъни жисмоний жиҳатдан соғлом ва ақлан етук, интеллектуал жиҳатдан ҳам баркамол бўлишга катта эътибор қаратилмоқда. Синовлардан муваффақиятли ўтгач, уйга келиб ота-онамга ҳарбий хизматга кетаётганимни маълум қилдим. Улар ҳам роса суюнишди. Отам мени бағрига босаркан, ҳаяжонлиб шундай деди:

– Ўғлим, ҳақиқий фидойи ўғлонларгина юртига муносиб хизмат қила олади. Биз хизмат қилган пайтлар замон бошқача эди. Ҳозир эса умуман бошқача. Қувончили, сен ўз туғилиб ўсган юртингда ўз халқининг осойишталигини асрайсан. Нима бўлганда ҳам ўзлигингни унутма. Онанг иккаламизнинг юзимизни ерга қаратма. Биз доимо сен билан фахрлиб юрайлик.

Отамнинг бу гапларидан анча таъсирландим. Ич-ичимда ўзимга сўз бердимки, ҳақиқий фидойи посбон бўлам.

Шундай қилиб, ҳарбий хизматга жўнадим. Йигитлик бурчимни Ҳарбий Ҳаво Кучларига қараш-

ли қисмлардан бирида ўтадим. Шу даврда ҳарбийлик ўта масъулиятли ва машаққатли касб эканлигига амин бўлдим. Кишини тоблаши, ҳаётга теран боқишга ўргатиши билан шарафли эканлиги менга манзур бўлди. Шу боис муддатли ҳарбий хизмат тугагач, шартнома асосида хизматни давом эттиришга аҳд қилдим ва Самарқанддаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат бошладим. Ўтган йилнинг ноябрь ойида эса ҳарбий қисм қўмондонлигининг йўлланиши билан Самарқанддаги сержантлар тайёрлаш мактабига ҳужжат топширдим. Айни пайтда бу ерда ўз соҳасининг билимдони бўлган офицер, сержантлардан ҳарбий билим ва тажрибаларини ўрганаётган. Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиш давомида мен яна кўп нарсаларни ўргандим. Зиммамизда жуда катта вазифалар борлигини ҳис қилдим. Чунки Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони, Президентимиз И. Каримовнинг ташаббуслари билан ташкил этилган бундай мактабларда тайёрланган сержантлар армиямизнинг суянчи, таянчи бўлиши лозим. Биз бугун ана шундай мақсад билан ўқиямиз, ўрганаймиз. Бунинг учун эса мактабимизда замонавий талаблар асосида жиҳозланган ётоқхонамиз, бой китоб жамғармасига эга кутубхонамиз бор. Машғулот хоналари барча техник воситалар билан таъминланган. Умуман, бу ерда ўқийман деган одам учун тўла имконият, шароит бор. Фақат ундан фойдаланиб, билим ва малакани ошириш лозим. Кейин эса бу ерда ўрганган кўникмаларимизни ҳарбий жомамизга қайтгач, ёш аскарларга ўргатамиз.

Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактаби тингловчиси Шерзод ШАКАРОВ.

Стажировка

НАБРАЛИСЬ ОПЫТА И ЗНАНИЙ

На протяжении определенного периода времени будущие офицеры из Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища набирались опыта и практических навыков в работе с личным составом, проходя войсковую стажировку. Немало четверокурсников, в частности, пополнили свой багаж знаний в частях и подразделениях, где для них были созданы все необходимые условия. Так, курсанты Ф. Сарачев, А. Гафаров, О. Сидиков стажировались в должности командиров групп в воинском коллективе под командованием офицера Г. Джу-

маниязова. Под руководством опытных наставников курсанты пробовали свои силы в организации и проведении занятий, уделяя этому вопросу самое пристальное внимание. Это, собственно, и не удивительно, поскольку методическое мастерство – это очень важный аспект в деятельности командира, и приходит оно не в течение одного дня, а, подобно коралловому рифу, собирается по крупицам. Как отмечает командование части, курсанты заметно преуспели в данном направлении. Если поначалу они как-то робко строили свои отношения с

подчиненными, то спустя некоторое время им уже можно было доверить проведение учебных стрельб. Сами курсанты также почувствовали, что у них прибавилось сил и уверенности в себе, а самое главное – они вплотную ознакомились с повседневной жизнедеятельностью армейского коллектива, а значит, уже не будут чувствовать в нем себя новичками, когда должны будут сделать первые шаги на командирской стезе.

Подполковник Ярослав КОРУКА, корр. «Ватанпарвара».

ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА ҚИШКИ ЎҚУВ МАВСУМИ НАЗОРАТ СИНОВ САВОЛЛАРИ

1. Марказий Осиё минтақаси ва жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари. Миллий хавфсизликка таҳдидлар ва уларни бартараф этиш тамойиллари (Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» номли асари асосида).

2. Широқ, Спитамен ва Тўмариснинг миллий озодлик учун олиб борган курашлари.

3. Нажмиддин Кубро, Абу Муслим ва Муқаннинг миллий озодлик учун олиб борган курашлари.

4. Жалолиддин Мангубердиннинг Ватан озодлиги йўлида олиб борган курашлари.

5. Амир Темур – марказлашган мустақил давлат асосчиси. Буюк Соҳибқироннинг ҳарбий санъати.

6. Амир Темурнинг давлат бошқаруви.

7. Жаҳон илм-фани тараққиғига катта ҳисса қўшган улуг аждодларимиз (Ибн Сино, ал-Хоразмий, Беруний, Мирзо Улугбек).

8. Марказий Осиёда рус мустамлакачилигига қарши озодлик курашлари ва демократик ҳаракатлар (XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари).

9. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» (Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Независимая газета» мухбирига интервьюси).

10. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати.

11. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши, миллий рамзлари ва тимсоллари, маъмурий-ҳудудий бўлиниши.

12. Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий асослари.

13. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилашнинг устувор йўналишлари. (Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» асари асосида).

14. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи – Олий Мажлиснинг тузилиши ва вазифалари.

15. Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи органи – Вазирлар Маҳкамасининг тузилиши ва вазифалари.

16. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» (Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси).

17. «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» (Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби билан йиғилишидаги маърузаси).

18. Терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм – инсоният ҳаёти ҳамда жамият тараққиғи учун катта хавф (Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз

куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ» номли асари асосида).

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган байрам тантанасидаги нутқи.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 13 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриғи.

21. Миллий ғоя – жамият ривожланиши ва миллий давлатчилик шаклланишининг асосий омиллари.

22. Миллий ўзликни англаш – ватанпарварлик асоси.

23. Ватанпарвар ва аждодлар қаҳрамонлик анъаналарининг содиқ давомчиси бўлиш – Ўзбекистон жангчисининг муқаддас бурчи.

24. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий демократик давлат қуришида тугган ўрни ва роли.

25. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлатнинг асосий қонуни.

26. Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда Қуролли Кучларнинг тугган ўрни ва роли, улар ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари.

27. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунини Қуролли Кучларда қўллаш тўғрисида.

28. Ўзбекистон Республикаси-

нинг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ҳарбий хизмат турлари ва ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида.

29. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни муддатли ҳарбий хизматга қақриш муддатини кечиктириш ва хизматдан озод этиш тартиби тўғрисида.

30. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ислоҳотлари ва улардан кўзланган мақсад.

31. Ҳарбий қасамёд – жангчининг Ватанга содиқлик онти.

32. Умумҳарбий низомлар – жангчининг ҳаёт қонуни.

33. Ички хизмат низоми – ҳарбий хизматни ташкил этишнинг асоси.

34. Қоровуллик хизматини ўташ – жанговар вазифани бажаришдир.

35. Интизом низоми, ҳарбий интизом моҳияти ва ҳарбий хизматчиларнинг унга риоя қилиш мажбуриятлари ҳақида.

36. Армияда яккабошчиликнинг қонуний асослари. Ҳарбий хизматчиларнинг бўйсунуш тартибини бузганликлари учун жавобгарликлари.

37. Ҳарбий хизматчиларнинг Умумҳарбий низомлар талабларини бузганликлари учун жавобгарликлари.

38. Ҳарбий хизматчиларнинг давлат мулки ва ҳарбий мулкни ўғирлаганлик, талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарликлари.

39. Ватанпарвар бўлиш, жанговар маҳоратни такомиллаштириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш – ҳар бир жангчининг бурчи.

40. Жанговар дўстлик, биродарлик, кўмакдошлик – Ватан ҳимоячиларининг шонли анъанаси.

41. Жанговар шайлиқни оширишнинг асосий омиллари, шакл ва услублари.

42. Замонавий жангда ҳарбий хизматчилар юксак маънавий-жанговар сифатларининг аҳамияти.

43. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

44. Сержантлар – Қуролли Кучларнинг суянчи ва таянчи.

45. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларга ва онла аъзоларига давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.

46. Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича тарбиявий ишларнинг асосий мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари.

47. Сергак бўлиш, давлат сирини ва ҳарбий сирини қатъий сақлаш, давлат мулки ва ҳарбий мулкни авайлаб-асраш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти.

Эслатма: назорат синов машғулотлари бўйича тест саволлари тузилганда Мудофаа вазирининг буйруқлари ва директив хужжатлар талаблари ҳам киритилди.

Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

С полей боевой учебы

ФОТОРЕПОРТАЖ

С ВЕРОЙ В ПОДЧИНЕННЫХ




Воины, возглавляемые старшим лейтенантом Нурмуродом Джураевым, делают все, чтобы оправдать оказанное им доверие и, прежде всего, стремятся достичь отличных показателей в боевой учебе. Значимость инженерно-саперного подразделения, в котором они проходят службу, хорошо известна в современных боевых действиях, ведь зачастую именно от мастерства и сноровки саперов во многом зависит исход той или иной операции. А потому и трудятся они ежедневно до седьмого пота, чтобы в случае надобности с честью выполнить отведенные им



Зимний период обучения вступает ныне в ту фазу, когда стоит всерьез задуматься о предстоящем экзамене – контрольной проверке. Только для новичков, призванных минувшей осенью, он будет первым серьезным испытанием на воинскую зрелость, для остальных же – это очередная контрольная точка на пути повышения профессионализма, а заодно – возможность для сравнения. Каждый военнослужащий воочию убедится в том, сумел ли он добиться определенного прогресса и динамики роста или же наоборот – в освоении профессии у него произошел спад. Думается, что тех, кого можно отнести ко второй категории, будет единицы, поскольку уровень сознания военнослужащих сегодня довольно высок, и все они отчетливо осознают, что от каждого из них в отдельности зависит уровень боеготовности воинского коллектива, а по большому счету и обороноспособность страны. Ведь это понятие, насколько емким по величине оно бы не было, в конечном итоге состоит из множества взаимодополняющих друг друга звеньев.

функции. Тщательно изучают тактико-технические характеристики взрывных устройств, тренируются правильно устанавливать и маскировать их и, конечно же, обнаруживать смертоносные сюрпризы «противника». Каждое занятие проходит максимально приближенным к реальному бою, поскольку о той ошибке, которая допускается только раз, они хорошо помнят. В результате такой кропотливой работы многие из них в совершенстве овладели навыками этой героической профессии. Настоящими профессионалами в подразделении считают младших сержантов по контракту Санната Абдурасулова, Фахритдина Эшкулова. Мало в чем уступает им и радиоминер Руслан Раджа-



бов, хотя он и рядовой срочной службы. Но не только высоким мастерством отличаются воины этого коллектива. Их авторитет в части зиждется на таких качествах, как сплоченность, взаимопомощь и взаимовыручка, что они не раз демонстрировали и от чего неоднократно дело только выигрывало. Уверен командир подразделения, что и в дни контрольной проверки, его подчиненные будут как единый монолит, а, значит, успех обязательно придет.

Подполковник Ярослав КОРУКА.
На снимках: элементы занятия по установке и обнаружению минно-взрывных устройств.
Фото автора.

Баҳорги чақирув — 2005

НАМАНГАН НОРЛАРИ ХИЗМАТГА ШАЙ

Давлатимиз сиёсатининг устуворлиги нимада, деган саволга юртимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларни кузатиб бораётган ҳар қандай шахс аввало бир жавобни тилга олган бўларди. Яъни, элу юрт тинчлиги, осойишталигини асраш йўлидаги тинимсиз ҳаракатларда. Бу аини ҳаққат. Чунки Қуролли Кучларимиз сафларидаги ва фаолиятидаги катта ўзгаришлар бу одилона ва ҳақчил сиёсатнинг ёрқин далилидир.

Мана, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди. Шунга кўра, мақоламизни фуқароларни муддатли ҳарбий, муқобил ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирув жараёнларидан тайёрлашга қарор қилдик. Бу борада навбатдаги сафарбарлик Наманган вилояти Мудофаа ишлари бошқармасига бўлди.

Биз мақоламиз аввалида давлатимиз, айнан Президентимиз томонидан тинчлигимиз кафолатини тўлиқ таъминлай оладиган миллий армиямизга берилган катта эътибор тўғрисида бежиз тўхталмадик. Чунки энг шарафли хизматга айланиб бораётган Ватан посбони бўлиш истаги ўғлонларимизни ҳар томонлама фаол бўлишга чорламоқда. Нега деганда бўлажак юрт посбонидан бугуннинг талаби катта. Шунингдек, бу талаб йилдан-йилга мукамаллашиб бораёпти. Чақирув комиссияси олдида эса муҳим вазифалар қўйган ҳолда чақирувни юқори даражада, сифатли ўтказиш юклатилган.

Бизни Наманган вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Баҳрам Жуманиязов билан бўлган суҳбатимиз айнан мана шу мавзуда бўлди.

Аввало вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг иш фаолиятига, айнан чақирув комиссияси ишини шу кунга қадар ҳолатига қисқача изоҳ бериб ўтадиган бўлсак, у ўзининг ижобий эътирофига эга. Яъни, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси фуқароларни муддатли ҳарбий, муқобил ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирувни ташкиллаштириш ва амалга ошириш бўйича республикада етакчи ўринда туради. Биз бошқармада чақирув билан боғлиқ

вазифалар билан танишув давомида бу ерда изланувчанлик, ўзига хос яратувчанлик ҳолати мавжуд эканлигини, яъни ҳар бир хизматчи ўз вазифасини сидқидилдан янгича услубда адо этишга интилишининг гувоҳи бўлдик. Келинг, яхшиси ушбу йўналишдаги суҳбатимизни подполковник Жуманиязов билан давом эттирайлик.

— Аини кунда олдимизда турган асосий вазифа баҳорги чақирувни сифатли ўтказиш. Биз бунинг учун ўзимиздаги бор имкониятларни ишга солганмиз, — дея гап бошлади бошқарма бошлиғи суҳбат чоғида. Аввало чақирув олдида мудофаа ишлари бўлими базасида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вилоят чақирув комиссияси раиси иштирокида услубий кўрсатмалар машғулот ўтказилди. Машғулотда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, чақирув комиссиялари аъзолари, прокуратура ходимлари иштирок этдилар. Бундан кўзланган мақсад 2004 йил кузги чақирувда йўл қўйилган камчиликларни кўриб чиқиш ва бундай салбий ҳолатларни 2005 йил баҳорги чақирувда баргараф этишдан иборат. Чақирувни ўтказиш даврида асосий эътибор Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни талабини бажаришга қаратилади. Биз бу қонун талабини мукамал бажариш учун бошқарма чақирув бўлими бошлиғи подполковник Муроджон Қаландаров раҳбарлигида бир қатор қўлланмалар ишлаб чиқдик. Масалан, «Чақирув пункти ишини ташкил этиш бўйича қўлланма», «Касбий руҳий саралаш танловини ўтказиш бўйича услубий қўлланма», шулар жумласидандир. Яъни, бошқармада ҳар бир йўналиш бўйича ўқув методик қўлланмалари яратилган. Булар Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан юқори баҳолаб, округга тарқатилди. Мана, бу йилдан бошлаб Мудофаа вазирининг йўриқномасига асосан баҳорги мавсумга чақирилувчи фуқароларни январь ойидан бошлаб оилавий шароитини ўрганиш бошланган. Вилоят йиғув пункти ва туман мудофаа ишлари бўлиmlари чақирув пунктлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу ерларда тўлиқ таъмирлаш ишлари ўтказилиб, тиббий асбоб-ускуналар билан етарли даражада таъминланишига эътибор қаратилган. Бу борада мен вилоят ҳокимлигининг ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Шунингдек, баҳорги чақирув

давомида ҳам вилоят телевидениеси, радиоси ва газеталари орқали чақирилувчилар, уларнинг ота-оналари, халқ ва омма ўртасида кенгайтирилган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни режалаштирганмиз. Бундан кўзланган мақсад, муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ тартиби, яратилган қулайликлар, имтиёзлар ҳақида тушунтириш бериб, ёшлардаги ватанпарварлик туйғусини янада ошириш. Шу билан бирга бўлажак Ватан посбонларини бу галли муддатли ҳарбий хизматга жўнатишни ҳам вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, уруш қатнашчилари, фахрийлар, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокида тантанали равишда кузатишни белгиланганмиз. Бу жараёнда вилоят маданият бошқармаси томонидан концертлар ташкил этилиб, хизматга йўл олаётганларга эсдалик совғалар бериб борилди.

Ҳарбий либос кийишга интиляётган ўғлонларимизнинг руҳий ҳолатига изоҳ бериб ўтадиган бўлсам, барчаларида Ватан посбони бўлиш истаги, ватанпарварлик руҳи кучли. Умуман олганда, наманганлик нор йигитлар Ватан хизматида шай.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, Наманган вилояти Мудофаа ишлари бошқармасида ўрнатилган арзийдиган ишлар амалга оширилган. Бошқарма томонидан ишлаб чиқилган бир қатор қўлланмалар ҳам шулар жумласидандир. Айниқса бизда чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчилари учун «Ёшларни ҳарбий чақириққача тайёрлаш ва ҳарбий тиббий билим асослари» қўлланмаси ҳам катта таассурот қолдирди. Бу қўлланма — китоб бўлажак Ватан посбонларини тарбиялаш давомида қўллаб муаммоларга дуч келаётган ЧЕТ фани ўқитувчилари учун жуда зарур деб ўйлаймиз. Шунингдек, вилоятда ўсиб келаётган ёш ўсмирларга ҳарбий хизматнинг дастлабки сабоқларини мукамал бериб бориш энг эзгу ва кечиктириб бўлмас иш эканлигини англаб етган бошқарма жамоасининг интилишлари эътиборга лойиқ, бизнингча. Бу борада подполковник Баҳрам Жуманиязов бошчилигидаги Мудофаа ишлари бошқармасининг фидойи хизматчилари қаторида бошқарма чақирув бўлими бошлиғи подполковник Муроджон Қаландаров, бошқарма бошлиғи ўринбосари подполковник Нўмонжон Хатамқулов, сафарбарлик чақируви бўлими бошлиғи подполковник Ҳасанжон Хидировларнинг номларини алоҳида келтириб ўтишни истардим. Бошқарманинг бундай тажрибали ишбилармон хизматчилари бор экан, наманганлик ўғлонларнинг доимо олдинги сафда туришларига шубҳа йўқ.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

БУДУ СЛУЖИТЬ В ВОЙСКАХ



Вот и наступила очередная пора призыва граждан на срочную военную службу.


Постановлением Президента Республики Узбекистан дан старт весенней призывной кампании. Это значит, что сотни юношей со всех уголков республики в скором времени придут в части и подразделения, чтобы овладеть воинскими специальностями, стать настоящими защитниками Родины.

Юноши, с которыми довелось встретиться в отделе по делам обороны Яккасарайского района столицы, полны такого желания.

Собир Джураев, призывник:

— По правде говоря, перешагнув порог отдела по делам обороны, убедился в том, что удостоиться звания защитника Родины будет нелегко. Нам придется пройти жесткий конкурсный отбор, где по уровню интеллекта, физической подготовленности и здоровья будет приниматься решение призывной комиссией. К службе в армии я готовился с 8-го класса и надеюсь, что совсем скоро, успешно пройдя все экзаменационные этапы, с гордостью скажу родителям и друзьям: «Буду служить в войсках».

Для Бахтиера Хамидова служба в армии также стала делом принципа. Во-первых, считает он, не пройдя настоящую школу мужества, трудно будет определиться в своем я. А во-вторых, девушка, которая очень симпатизирует моему собеседнику, вряд ли серьезно посмотрит на парня, не имеющего армейской закладки...



Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ,
контр. «Ватанпарвара».

На снимках: будни призывной кампании.
Фото автора.

Конкурс по стрельбе и управлению огнем артиллерии

УЧИТЬСЯ СТРЕЛЯТЬ МЕТКО

ЗАДАЧИ 2-й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Определить величину среднего отклонения в дальности при стрельбе по цели, которая расположена:

а) на скате, обращенном в сторону батареи;

б) на обратном скате.

Вд = 18 м, угол падения = 11 град. 40 мин. и угол наклона местности в районе цели = 3 град.

ЗАДАЧА № 2

Определить время наблюдения светила, если по часам снят отсчет Т = 12 час. 29 мин. 12 сек. Поправка часов при проверке в 9 часов была равна

минус 1 мин. 15 сек., поправка за ход часов равна минус 2,0 сек/час.

ЗАДАЧА № 3

Определить время ведения огня по рубежу ПСО, если рубеж перехода в атаку удален от переднего края противника на 600 м, а подразделения выдвигаются с этого рубежа в пешем порядке со скоростью 5 км/час. Рубеж безопасного удаления составляет 400 м.

ЗАДАЧА № 4

Командир батареи 122-мм гаубиц Д-30 (позывной «Шамол») получил задачу пода-

вить живую силу и огневые средства противника в тран-

шее, расположенной на скате крутизной около 45 градусов, цель 101-я.

С КНП батареи измерены дальность по цели Дц = 2500 м, дирекционный угол 39 — 85, угол места цели + 0 — 40, фронт 0 — 40.

Для получения отлогой траектории выбран заряд полный. Ку = 0,4. Установки для стрельбы оп-

ределяются на ОП. Наблюдение от центра цели.

Рассчитать корректуры по полученным наблюдениям.

Наблюдения:

1) Разрыв на другом скате.

2) Л12, + 25.

3) Пб, Фр = 0 — 38, пре-

обладание неделетов.

4) Цель подавлена.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ 1-й СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Инструментальная ошибка буссоли равна: — 0 — 08.

ЗАДАЧА № 2

Допустимая продолжительность ведения огня 82-мм минометной батареи без смены огневой позиции — 15 минут.

ЗАДАЧА № 3

Сближение меридианов равно: — 1 градус 29,1 минуты.

ЗАДАЧА № 4

1. «Якут», стой. Цель 2-я, пехота укрытая.

Осколочно-фугасным. Взрыватель осколочный. Заряд второй. Шкала тысячных. Прицел 235. Уровень 30 — 02. ОН = — 2 — 20. Основному, 1 снаряд. Огонь.

2. Прицел 238, левее 0 — 11. Огонь.

3. Прицел 247, правее 0 — 18. Огонь.

4. Прицел 242, левее — 08. Огонь.

5. Прицел 240, левее 0 — 05. Батарее, веер 0 — 04. 2 снаряда, беглый. Огонь.

6. «Якут». Стой, записать цель, 2-я пехота укрытая. Я «Мангол».

У ВОИНОВ ВОСТОЧНОГО ВОЕННОГО ОКРУГА

Их наградила Родина

ВОСПИТАТЕЛЬ ПО ПРИЗВАНИЮ



Наша справка. ТАДЖИЕВ Анвар Адхамович закончил в 1988 году Рижское ВВПУ. Служил в ракетных войсках стратегического назначения, органах военного управления, парашютно-десантных и мотострелковых подразделениях. В 1999 году закончил Академию Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Женат. Отец троих детей.

В отношении подполковника Анвара Таджиева это определение применимо с полным основанием — на протяжении всего периода своей службы офицер всегда сохранял верность выбору. Причем доверялись ему, как правило, самые сложные и ответственные участки. Плодотворный и самоотверженный ратный труд по достоинству оценен Родиной — Указом Президента Республики Узбекистан накануне 13-й годовщины со дня образования Вооруженных Сил нашей страны офицер А.Таджиев награжден медалью «Шухрат».

Наше знакомство состоялось на южных рубежах страны — сразу же после выпуска из Академии подполковник А.Таджиев получил новое назначение в мотострелковую часть Юго-Западного особого военного округа. Часть только недавно сменила место дислокации, а обустройство проходило болезненно, с трудностями. Практически с первых дней в качестве заместителя командира по воспитательной работе пришлось выслушать нелицеприятную критику в свой адрес от приехавших представителей Министерства обороны. Тогда она была резкой для вновь назначенного на должность офицера-воспитателя. Но рук он не опустил, а планомерно вел работу по выводу коллектива из прорыва.

— Вопросы организации жизни и быта личного состава всегда находятся для меня на первом месте, — вспоминает то время подполковник А.Таджиев. — Ведь для того, чтобы требовать от подчиненных успехов в боевой учебе, надо создать соответствующие условия для прохождения службы.

Еще одним нюансом было широко-масштабное внедрение и апробирование контрактной службы. Впервые экспери-

мент по набору на должности механиков-водителей, командиров танков и БМП, других специалистов военнослужащих по контракту был проведен при непосредственном его участии.

Сложность заключалась в том, что тогда еще не было школ подготовки сержантов, да и система воспитательной работы с этой категорией военнослужащих еще не была отработана.

Одним словом, проведенные в данной части шесть лет стали большой жизненной школой для офицера-воспитателя. Итогом этой большой и многотрудной работы стало признание в прошлом году части лучшей в войсках ЮЗОВО. И достигнуто это было во многом благодаря тому, что командир части офицер Салаймахсум Шарипов и его заместители работали слаженно и сплоченно.

За эти годы много людей в военной форме вверяло ему свои судьбы, многим Анвар Адхамович помог на крутых виражах жизни.

Например, был такой командир группы химической защиты старший лейтенант Фарход Усманов — хотел уволиться из армии. Помогли беседы по душам.

Сейчас капитан Ф.Усманов уже начальник химической службы части, характеризуется хорошо. У младшего сержанта по контракту Худояра Шокусупова было другое упущение — начальник солдатской столовой порой был груб с подчиненными.

— Он у меня срочную служил еще в десанте, — вспоминает офицер А.Таджиев. — Парень старательный, работающий, вот горяч бывает порой. Пришлось воспитывать...

В новом году выпало офицеру А.Таджиеву продолжать службу в войсках Восточного военного округа. И здесь начал с контроля за дисциплиной — наладил прочные связи с военным прокурором, план совместной работы составили.

